

---

# ЯПОНИЯНИНГ МДҲ МАМЛАКАТЛАРИ БИЛАН САВДО ҲАМКОРЛИГИ АССОЦИАЦИЯСИ – РОТОВО ФАРҶОНА ВИЛОЯТИ БИЛАН КЕНГ КЎЛАМЛИ ҲАМКОРЛИКНИ ЙЎЛГА ҚЎЯДИ

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров Япониянинг МДҲ мамлакатлари билан савдо ҳамкорлиги ассоциацияси – РОТОВО вице-президенти Хироказу Хигашино бошчилигидаги ушбу ассоциацияга кирувчи Marubeni, Mitsui, Mitsubishi, MHI, Sumitomo, Sojitz, Toyota Tsusho каби корпорациялар вакиллари билан иборат катта делегацияни қабул қилди.

Учрашувда Фарғона вилоятида РОТОВО ассоциациясига кирувчи компаниялар иштирокида инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш, вилоятимиз саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ҳамкорликда экспортини йўлга қўйиш истиқболлари муҳокама қилинди.

Япониялик инвесторлар Ўзбекистонни қўшни ва яқин давлатлар билан биргаликдаги катта умумий бозорнинг дарвозаси сифатида кўришаётганини таъкидлаган РОТОВО вице-президенти, ассоциация Фарғона вилоятини мамлакатимизнинг сармоядорлар учун энг жозибадор ҳудудлардан бири сифатида кўраётганига эътибор қаратди ва ҳамкорликда йирик лойиҳаларни амалга ошириш имкониятларини юқори баҳолади.

Кун давомида вилоятимиздаги қатор ишлаб чиқариш корхоналари ҳамда “Кўқон” эркин иқтисодий зонаси фаолияти билан танишган меҳмонлар, коронавирус пандемиясидан аввалги ташрифлари билан солиштирган ҳолда мамлакатимизда қисқа даврда катта ислохотлар амалга оширилганини эътироф этдилар. Япония таълим тизимини вилоятимиздаги танланган мактабларда синов тариқасида жорий этишга киришилгани ўзаро алоқаларни янада кенгайтиришга омил бўлишини қайд этдилар.

Вилоятимизда инвестиция муҳитини янада такомиллаштириш, хорижий инвесторларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, давлат хизматлари олишларини қулайлаштириш, уларга юзага келадиган масалаларни ҳал этишда зарур ёрдам ва тезкор кўмак кўрсатиш мақсадида Фарғона вилоятига инвестиция киритиш бўйича етакчи давлатларнинг тадбиркорлари учун алоҳида қўллаб-қувватлаш марказлари ташкил этишга киришилганини қайд этган вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров, яқин кунларда Япониялик тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш маркази ҳам иш бошлашини маълум қилди.

Маълумот ўрнида, РОТОВО ассоциацияси 200 дан зиёд Япониянинг йирик саноат корпорациялари, савдо фирмалари, банклар, инвестицион фондлар, транспорт-логистика компанияларини ўз ичига олган бирлашмадир.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2023-11-25 20:03:09